

## МУҲИМ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁН

**Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён саналади. Мазкур вөкөлик мамлакатимизда шаклланган демократик сайлов тизимининг узвий қисми бўлиб, унда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этади.**

Жорий йилнинг май ойида фуқаролар йигинлари раислари сайловлари бўлиб ўтмокда.

Фуқаролар йигини раиси сайлови З босқичда ўтказилиди. 1-босқичда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиши ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирлар кўрилади.

2-босқичда фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови ўтказилиб, сайлов якунлари чиқарилади ҳамда сайловдан кейинги З-босқичда фуқаролар йигини органлари шакллантирилади. Сайлов натижалари бўйича бир ой ичидаги фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) томонидан фу-

қаролар йигини кенгаси шакллантирилади, (кексалар ва фаҳрийлар ҳамда ёшлар масалалари бўйича) ва маслаҳатчилари, фуқаролар йигинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиши комиссияси сайланади.

Шуни таъкидлаш жоизки фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови ушбу лавозимга икки ва ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) лавозимида номзодлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлиши, олий маълумотга, бевосита сайловга кадар камида беш йил тегишли худудда доимий яшаётган бўлиши, ташкилотчилик

қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкилотларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа ҳўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига, шунингдек ҳаётини тажрибага ва аҳоли ўргасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Агар фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқаролар йигинида иштирок этувчилик рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади. Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови фуқаролар вакилларининг йигилишларида ўтказилган тақдирда, агар йигилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг учдан икки кисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) сайлови давомида ёки овоздарни санаб чиқишида ўйл қўйилган ва овоз бериш якунларига таъсир килган туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**Лола БЕКМИРЗАЕВА,  
Урганч шаҳар юридик  
хизмат кўрсатиши маркази  
бош юрисконсультан**

## ТРАНСПОРТНИ БАҲОЛАШ ЭКСПЕРТИЗАСИ

**Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тайинланган экспертизаларнинг ошиб бораётганлиги, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиши билан сугурта ва банк хизматларининг, суд транспорт-баҳолаш экспертизаларини ўтказиш ва мутахассис фикрини олиш хакида сугурта компаниялари томонидан мурожаатларнинг кўпайганлиги бугунги кунда транспортни баҳолаш экспертизасининг аҳамияти катта эканлигини билдиради.**



Адлия вазирлиги хузуридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг Хоразм вилояти бўлимидаги суд автотехника экспертиза 2001 йилдан бошлаб ташкил қилинган бўлиб, бўлимда суд-тергов органларининг қарори ёки суднинг ажрими асосида транспортни баҳолаш экспертизалари бажариб келинмоқда.

Суд эксперти томонидан экспертизаларни ўтказиш учун зарур бўлган кўшимча материаллар ва транспорт воситаларини кўздан кечиришга тақдим этилиши хақида илтиноснома берилади. Кўшимча материаллар фақат суд экспертизасини тайинлаган орған томонидан тақдим этилади. Кўридан ўтказиш талаб қилинадиган текшириш обьектларини (экспертиза муассасасига тақдим этилган обьектлардан ташкири) кўздан ке-

чиришида суд экспертизасини тайинлаган орган суд эксперти учун обьектга тўсиксиз киришини ва уни текшириш имконини таъминлайди.

Кўридан ўтказиш суд экспертизасини тайинлаган орган томонидан ташкил этилади, унинг мажбурий иштирокида амалга оширилади ва тегишли баённома билан расмийлаштирилади. Ишда иштирок этадиган шахслар конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда суд экспертизасини тайинлаган шахс билан бирга экспертиза ўтказишда ҳозир бўлиш хуқуқига эга. Сабабидан қатъи назар, уларнинг йўқлиги суд экспертизасини ўтказишни тўхтатиб туриш учун асос хисобланмайди.

Шу сабабли транспорт воситасига етказилган зарарни аниқлаш бўйича тайинланган экспертиза бўйича уни кўздан кечириш учун борилганда, транспорт воситасининг таймирланган ҳолатлари учраб туради. Ушбу ҳолатда транспорт воситасига етказилган моддий зарар микдорини аниқлаш имкони бўлмайди.

Шу сабабли транспорт воситасига етказилган зарарни аниқлаш бўйича экспертиза тайинланганда ушбу транспорт воситасини вактинчалик сақлаш майдонига жойлаштириш тавсия этилади. Суд эксперти үзига тақдим этилган обьектлар ва материалларни текшириш тегишли соҳадаги билимларга амал қилган ҳолда, процессуал қонун талабларига қатъий мувофиқ равишда холисона ва иммий асосда амалга оширади.

РСЭМнинг вилоят бўлимида ўтказилаётган транспортни баҳолаш экспертизалири сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги, ушбу экспертизаларнинг одил судловни амалга ошириш, тергов жараёнларида иш учун аҳамияти ҳолатларни аниқлашда ўрни муҳим эканлигини англатади. Ушбу экспертиза турли ҳолат ва тоифадаги ишлар бўйича ҳақиқатни қарор топишида, хукуқбузарликларнинг олдини олишда, жинонгчиликка сабаб бўлган ҳолатларни аниқлашда, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва уларни бартарап этишда ёрдам бериб келмоқда.

**Учқун ЖУМАНИЁЗОВ,  
Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг  
вилоят бўлими суд автотехника эксперти.**

## АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

**2023 йилда аҳолини рўйхатга олиш ишлари учун рўйхатга олувчи ходимларни танлаш масаласи ниҳоятда долзарб хисобланади.**

Мавжуд месъёрий-хуқуқий ҳужжатларда бу жараёнга жалб этиладиган ходимлар турли ёшда ва ҳар хил касб эгалари бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, тадбирга, биринчи навбатда, Давлат статистика қўмитаси ва унинг вилоят, шаҳар ва туман бўйимлари ходимлари, статистика йўналишида таҳсил олаётган талабалар, магистрлар, шунингдек, таянч докторантлар жалб этилиши мақсадга мувофиқ. Боиси шахсга доир маълумотларни йигиши жараённида аҳолини рўйхатга олиш дастурида белгиланган саволлар рўйхатига риоя этиш, уларнинг мазмуни бузилишига йўл қўймаслик, респондентга ишнинг мақсадини тўғри етказа олиш ва шу орқали олинидиган маълумотларнинг тўғрилигига, уларнинг маҳфилигини таъминлаш ва уларнинг мазмуни ошкор қилинмаслигига айнан рўйхатга олувчи ходимлар бевосята масъуль саналадилар.

Респондентлар томонидан яшаб турган хонадонида (жойида) рўйхатдан ўтишини истамаслик ёки саволларга жавоб беришини рад этганлик ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу шахсларга доир маълумотлар рўйхатга олувчи ходимлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга жалб қилинган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибида амалга оширилади.

**Шерзод ДАВЛАТОВ,  
Урганч шаҳар статистика бўйими бош мутахассиси.**

## ХИМОЯ ХУҚУКИНІ ТАЪМИНЛАШ

Дастлабки терговда химояланиш хуқуки билан таъминлаш лозим. Гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи, бевосита ўзи томонидан самарали тарзда химоя хуқукини амалга ошириш учун бир қанча хуқуқлар билан таъминланган. Бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилган шахсга ўзининг нимага айланбаётганлигини билиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, далиллар билан танишиш, иш олиб бораётган мансабдор шахс устидан шикоят қилиш хуқуки берилган.

Химоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айловъ ғылъони қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деъ ётироф этилганлиги тўғрисидаги баённома ўлон қилинган пайтдан бошлаб, рухсат этилади. Конунда қайд этилган химоячини таклиф этишига вакти инсон хукукларни мустаҳкамлади. Конун химоячини ишга таклиф этиш процедурасини ҳам қайд этган. Химоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганда эса унинг харакатланиш эркинлигига бўлган хуқуки амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади

Гумон қилинувчи, айланувчи, судланувчи танлаган химоячи исталган вақтда ишда иштирок этишига киришишга ҳақлидир. Жиноий ишни кўриб чиқишида қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга кобилиятсизлигини важ қилиб унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, химоячи жиноят процессининг мустакил субъекти сифатида жиноят иши бўйича қатнашади ва у гумон қилинувчининг файриқонуний ва асоссиз талабларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳаракат килади.

**Шахризода НАРИМАНОВА,  
Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси курсанти.**

## HUQUQIY himoja

МУАССИС:  
«Ихтиро» ХК

**МУҲАРРИР:**  
Фарход МУҲАММАДИЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
Урганч шаҳри, Fafur Gulom кўчаси, 3  
Газета ойда 2 марта чиқади.

Газета Хоразм вилояти матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2010 йил 2 июнда  
13-039-рекам билан рўйхатга олинган.



Муаллифлик хуқуки конун билан ҳимояланган. Тахририят рухсатисиз материаллардан фойдаланиши ман қилинади. Тел: 223-27-42

E-mail: huquqiy-himoja@inbox.uz

Нашр кўреатчи: 8041. Нусхаси: 450

Сотувда келишилган нархда.

Сахифалови: Ф.Мадаминов.

Навбатчи: Г.Болтаева.

Газета «Ихтиро» матбаа бўлими терилиб сахифаланди ва «Кувончбек-Машхура» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Урганч ш. Ислом Каримов мўкасси, 106-йи.

Б. № 135

Босишига топшириш вақти график бўйича 18.00.  
Топширилди 17.30

